*Эрурсен шоҳ, агар огоҳ сен-сен, Агар огоҳ сен-сен, шоҳ сен-сен!*

# ХАБАР

خبر

**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри**

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 20 ноябрь № 45 (325) ● Сотувда нархи эркин

***«Маҳаллий Телеком» акционерлик компанияси ҳиссадорларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳиссадорлик жамияти ва давлат корхоналари раҳбарлари, Давлат мулк қўмитасидан вакиллар қатнашди. Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори А. Ҳ. Жўрабоев ва унинг ўринбосарлари В. Л. Штейнберг, Ш. Ш. Обидхўжаев ҳам қатнашиб, сўзга чиқишди.***

## ИМКОНИЯТЛАР ЕТАРЛИ, ФАҚАТ УНДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНМОҚ ЗАРУР

«Маҳаллий Телеком» акционерлик компанияси бош директори Т. Ғ. Раҳимов жорий йилнинг тўққиз ойлик иш якулари тўғрисида маъруза қилди. Маърузачининг таъкидлашича, компаниянинг 26 та йирик корхоналари ва 245 та шаҳар ҳамда туман корхоналари ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун ҳамжиҳатликда иш олиб борди. Ҳаммаси бўлиб даромад 7,8 миллиард сўмни ташкил этди. Жумладан, аҳолига 2,5 миллиард сўмлик алоқа хизмати кўрсатилди. Шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар бўйича хизмат кўрсатиш ҳажми ўсди. 7,3 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, жумладан «Алоқа ДЭУ» қўшма корхонасида 80 минг линияга мўлжалланган рақамли АТС жиҳозлари, 85 минг дона янги телефон аппаратлари тайёрланди. «Ўзимпексалоқа» ҳиссадорлик жамиятининг барча акцияларини меҳнат жамоаси тўлиқ сотиб олди. Бу борадаги ишлар бошқа корхоналарда ҳам давом эттирилмоқда.

Қишлоқ жойларида қуввати 2300 рақамга мўлжалланган телефон тармоқлари ишга туширилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларида OECF япон кредити асосида ҳозирга қадар 189 минг рақамли янги АТСларга жиҳозлар монтаж қилинди, ана шунинг қарийб 100 минг рақами фойдаланишга топширилди. Аммо шунга қарамай камчиликлар ҳам оз эмас. Абонентлар сони камайган, ҳатто баъзи вилоятларда мижозлар телефон хизматидан фойдаланишни хоҳлашмаяпти. «Алоқа ДЭУ» қўшма корхонаси ва «Алоқасаноат» ҳиссадорлик жамиятининг кўплаб миқдордаги тайёр маҳсулотлари сотилмай, мазкур корхоналар аҳволини қийинлаштириб қўйди.

Кўплаб ҳиссадорлик жамиятларида акцияларни сотиш сусткашлик билан ташкил этилган. Жумладан, «Тошкент Телеком» ҲЖ да бор-йўғи 10 фоизгина акциялар сотиб олинди. Хорижлик сармоядорларнинг акцияларни сотиб олишга жалб қилиш етарли даражада олиб борилмаяпти. Масалан, Тошкент шаҳар телефон тармоғида KPMG халқаро фирмаси билан ҳамкорлик қилинаётганига қарамай, бу борадаги ишлар йўлга қўйилмаган.

Агентлик раҳбарияти иштирокида кўрилаётган чораларга қарамай кредиторлик ва дебиторлик қарзлари камаймаяпти. Фарғона, Сирдарё, Бухоро, Тошкент, Наманган вилоятлари рақамли АТСлар учун хорижлик сармоядорлардан қарзга алоқа жиҳозлари олишган эди. Эндиликда ушбу вилоятлар электралоқа корхоналари ана шу қарзни тўлай олмаяпти. «Кўрсатилган хизмат учун ҳақни ундира олмаса, чет эл қарзларини тўлай олмаса, у ҳолда нима учун раҳбарлар ишлаяпти?» — деган савол йиғилиш давомида қайта-қайта такрорланди. Агентлик раҳбари А. Ҳ. Жўрабоев ўз сўзида бу борада кескин чоралар кўриш лозимлигини уқтирди. Баъзи алоқа корхоналарида, масалан Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Жиззах вилоятларида маблағ бўлишига қарамай, иш ҳақи тўлашни кечиктириш ҳолатлари учрамоқда. Йиғилишда бир қатор долзарб масалалар муҳокама этилди, компания фаолиятини таъминловчи меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, асосий эътибор молиявий муаммоларга қаратилди. Шунингдек, Кузатув Кенгаши котиби Р. Валиевнинг ҳисоботи тингланди.

Бозор иқтисодиёти сусткашликни ёқтирмайди. У доимий равишда изланишни талаб этади. Республикамиз алоқа корхоналарининг самарали ва муваффақиятли ишлаши учун барча имкониятлар етарли. Ана шу корхоналарнинг ҳиссадорлари ўзлари мулк эгалари эканликларини, муваффақиятга фақат имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб эришиш мумкинлигини яхши тушунишади. Йиғилишда худди мана шулар ҳисобга олиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

***А. КУДИНОВ***

## ҚАДРИЯТЛАР НАМОЙИШИ

Оила йили муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар одамлар ўртасида меҳр-оқибатнинг ортишига, қадриятларимиз, урф-одатларимизнинг тикланишига кўмак беради.

«Фарғона почтаси» ҳиссадорлик жамиятида ўтказилган «Намунали оила» кўрик-танлови юксак маънавият ва қадриятлар намойиши бўлди. Бу гал филиалларда ғолибликни қўлга киритган оилалар иштирок этдилар. Улар танлов шартлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Мусобақа якунига кўра Учкўприк филиалидан қатнашган М. Исмоиловлар оиласи фахрли биринчи ўринни, Қўқон шаҳар филиалидан қатнашган С. Раҳмоновалар оиласи иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин Қува филиалидан қатнашган У. Юсуповлар оиласига насиб этди. «Фарғона почтаси» ҳиссадорлик жамияти директори Н. Каримов ғолибларни самимий қутлаб, уларга 1, 2, 3-даражали дипломлар, фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совалар топширди.

«Намунали оила» кўрик-танлови «Фарғона Телеком» ҳиссадорлик жамиятида ҳам ўтказилди. Бу танловда А. Исоқовлар оиласи (Фарғона) фахрли биринчи ўринни, С. Маҳмудовлар оиласи (Тошлоқ) иккинчи, М. Ғофуровлар оиласи (Данғара) эса учинчи ўринни эгаллашди. Ғолибларни «Фарғона Телеком» ҳиссадорлик жамияти бош директор ўринбосари М. Носиров табриклаб, уларни фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади.

Ушбу тадбирда сўзга чиққан вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси А. Усмонов ва Фарғона шаҳар ҳокимининг ўринбосари,»хотин-қизлар қўмитаси раиси О. Ҳошимовалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришиб, танловнинг катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

***Фарида УМАРОВА,***
***жамоатчи***
***мухбиримиз,***
***Фарғона вилояти***

## «ХАБАР»НИНГ ДОИМИЙ МУХЛИСИМАН

Мен «ХАБАР» газетасини кўпдан бери ўқиб бораман. Алоқачиларнинг ягона нашри чиқа бошлагандан буён баҳоли қудрат алоқачилар ҳаётини ёритиб келмоқда. Унинг саҳифаларидаги турли мавзудаги мақолалар менга ёқади. Соҳада юз бераётган янгиликлар, 3-саҳифада чоп этилаётган «Мерос» рукни остидаги ранг-баранг мақолалар, ҳикматлар, латифаларни қизиқиб ўқиб бораман. Шунинг учун бу йил ҳам «ХАБАР» газетасига обуна бўлдим. Таклифим — газетани келгусида янада қизиқарли чиқариш учун янги-янги рукнлар очиш керак деб ўйлайман.

***М. ҒОФУРОВА,***
***Тошкент шаҳри***

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар**

***• Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.***

*• Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги давлат автомобиль назорати ходимларининг масъулиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.*

***• «Наврўз-99» республика кўрик танлови эълон қилинди.***

*• Россия Президентининг шу йил 1 май куни ўғирланган Чеченистондаги вакили Валентин Власов асирликдан озод этилди.*

***• Бельгия халқи ўз миллий байрами — Қироллик сулоласи кунини нишонлади.***

*• Япония ҳукумати мамлакат иқтисодиётини инқироздан олиб чиқишнинг янги чора-тадбирлари дастурини эълон қилди. Унинг қиймати 25 триллион иенга (200 миллиард АҚШ доллари атрофида) тенг. Мутахассислар бу дастур муваффақиятли амалга оширилса, келаси йили мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми 2,3 фоизга ўсади, деб таъкидлашмоқда.*

***• Афғонистоннинг Ислом партияси раҳбари Гулбиддин Ҳикматёр журналистларга берган интервьюсида Покистон, Саудия Арабистони ва Америка Қўшма Штатларини Афғонистоннинг ички ишларига аралашаётганликда айблади. Ҳикматёр шунингдек, Вашингтон маъмурияти Кобулда ўзига мақбул бўлган ҳукуматни тайинламоқчи эканлигини таъкидлади.***

*• Индонезия президенти саройи мамлакат собиқ раҳбари Сухартонинг давлат банкида 21 миллиард рупий миқдорда (3 миллион АҚШ долларига тенг) сармояси борлигини ошкора қилди. Бу мамлакат бош прокуратураси ҳамда хайрия жамғармаси ҳамкорликда ўтказган текширувлар натижасида аниқланган.*

*• Обуна — 99*

## Азиз муштарийлар!

***«ХАБАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!***

**ОБУНА БАҲОСИ**

**(Каталог нархи)**

**Якка тартибдаги обуначилар учун: 6 ойга 330 сўм, 1 йилга 660 сўм. НАШР КЎРСАТКИЧИ: 227. Ташкилот ва корхоналар учун: 6 ойга 498 сўм, 1 йилга 996 сўм. НАШР КЎРСАТКИЧИ: 228.**

## • ШУ СОНГА ШОШИЛИНЧНОМА

***«Андижон почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг Избоскан тумани шохобчаси жамоаси келгуси йил учун «ХАБАР» газетасига юз фоиз обуна бўлишди. Бошқа матбуот нашрларига ҳам обуна давом этмоқда.***

***«Андижон почтаси» ҲЖ, Избоскан***
***тумани шохобчаси директори***
***А. ХИРМОНОВ»***

***«Сурхондарё Телеком» шўъба корхонасида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва муносиб ўринбосарларни тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ана шу масалалар хусусида жамоатчи мухбиримиз корхона кадрлар бўлими бошлиғи Акбар ОБИДОВ билан учрашиб, суҳбатлашди.***

# КАДРЛАР — КАТТА КУЧ

**— Акбар ака, дастлаб жамоада неча киши меҳнат қилаётгани ҳақида маълумот берсангиз?**

— Бажонидил. Ҳозир «Сурхондарё Телеком» шўъба корхонаси 1500 нафар аъзога эга. Шундан тўрт юз нафар ходим олий маълумотли мутахассислардир. Улар корхонанинг турли жабҳаларида меҳнат қилишмоқда. Туман ва шаҳарлардаги филиалларимизга тажрибали мутахассис кадрлар раҳбарлик қилишяпти. Денов, Музработ филиалларининг бошлиқлари Ўрол Жўраев ҳамда Сафар Тошбоевлар кўп йиллик тажрибага эга. Улар ўзлари етакчилик қилаётган жамоани бир мақсад йўлида жипслаштириб ва ҳамжиҳатлик асосида иш олиб боришга ундаб алоқа ходимлари ҳурматини қозониб келишмоқда.

**— Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даври бошқа тармоқлар қатори алоқа хизматида ҳам туб янгиликлар «саҳифаси»ни очмоқда. Хусусан, жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш учун зарур имкониятлар ишга солинаяпти. Шундай бир паллада кадрлар масъулияти янада ошиши табиий.**

— Тўғри айтасиз, ҳар бир давр ўз аломатлари билан қимматлидир. Мустақиллик йиллари эса биздан янгича фикрлашни, тараққиёт талабига мос иш юритишни тақозо этмоқда. Хабарингиз бор, Индонезиянинг «Бакри» компаниясидан ажратган сармоя ҳисобига хорватиялик ҳамкорларимиз телефон алоқа хизматини йўлга қўйиш бўйича бирмунча ишларни амалга оширишди. Ҳозирга қадар Термиз шаҳридаги деярли барча автомат телефон станциялари хориждан келтирилган дастгоҳлар ёрдамида жиҳозлаб бўлинди. Айни пайтда эса корхонамизга қарашли тўртта филиалда худди шу иш давом эттирилмоқда.

Албатта, бу янгилик дунёвий аҳамиятга эга бўлгани учун ҳам кадрлар олдига муҳим талабларни қўймоқда. Шу боис кадрлар малакасини оширишга катта аҳамият беряпмиз. Ҳар йили 25 фоиз мутахассис Тошкентда ва Ҳамдўстлик мамлакатлари шаҳарларида малака ошириб қайтмоқда. Жорий йил ҳисобидан 42 нафар киши шундай тадбирда иштирок этди. Ёш ходимларимиздан тўрт нафари эса Хорватияга бориб, янгича ишлаш усулларини ўрганиб қайтишди. Бундан ташқари бевосита Термиз Давлат Университети билан ҳамкорликда инглиз тили ва лотин ёзувини ўрганиш курслари очдик.

**— Корхонада мураббийлик ҳаракати ва муносиб ўринбосарлар тайёрлаш масаласи қандай йўлга қўйиляпти?**

— Биласизми, жамоамизда 35-40 йилдан буён бир соҳада меҳнат қилиб келаётган фахрийларимиз бор. Раҳбаримиз Олимжон ака Эшонов фаолиятининг ўзи бу ўринда намунага муносибдир. Бу киши оддий телефон созловчиликдан раҳбарлик даражасига келгунларича катта синовлардан ўтган. Мана чорак асрдан, ошибдики, вилоятдаги йирик жамоалардан бири «Сурхондарё Телеком» шўъба корхонасини бошқариб келмоқда. Олимжон ака мураббийлик ҳаракатига ҳам бошқош бўлиб туради. «Эртанги кунимиз шу ёшлар қўлида. Улар бошлаган яхши ишларимиз давомчиларидир» деган сўзлари раҳбаримиз тез-тез айтиб туради.

Зинаида Тибораз, Ибрагим Набиуллин, Наталя Толкачёва каби мураббийларимиз ҳам борки, уларнинг ҳар бири муносиб ўринбосарлар тайёрлашмоқда. Мураббийлик ҳаракатини ривожлантириш ишига оилавий алоқачилар ҳам катта ҳисса қўшяпти. Худойберди Келдиев бошлиқ оилани бу ўринда тилга олиш жоиздир. Учта ўғил ҳам ота-онаси касбини эгаллашмоқда. Ҳозир Ҳасан ва Ҳусан Келдиевлар Тошкент электротехника Алоқа институтининг аълочи талабалари ҳисобланишади.

Дарвоқе, кейинги пайтда ёшларни ихтисослашган ўқув юртларига шартнома асосида йўллашга алоҳида эътибор беряпмиз. Ҳозир 31 нафар йигит-қиз худди шу йўл билан Тошкент электротехника Алоқа институти ва Алоқа коллежида таҳсил олишмоқда. Саккиз нафар кадр эса ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда касб эгаллашяпти. «Сурхондарё Телеком» шўъба корхонаси раҳбарияти ёш кадрларнинг ўқиши, шароити билан мунтазам қизиқиб бормоқда. Уларнинг оилалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Шундай экан, эртанги кун учун мустаҳкам замин яратилмоқда десак адашмаймиз.

Хуллас, кадрлар катта куч. Фақат уларнинг кучи, ғайрати, билим маҳоратидан кўзланган мақсадлар йўлида фойдаланилса бас. Шунда муваффақиятлар кўпайиб, муаммоларга ўрин қолмайди.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

— Ташаккур.

***Нортожи ЗИЁЕВ суҳбатлашди, Сурхондарё вилояти***

Обуна мавсуми қизиган шу кунларда қайси газета ёки журналнинг ўқувчиси кўп деган табиий савол туғилади. Бу саволга «Энг қизиқарли матбуот нашрини-да!» деб жавоб берамиз. Аммо бозор иқтисодиёти шароитида одамларнинг маънавий эҳтиёжини тан олгиси келмайдиган, онгу шуури, дунёқараши чекланган одамлар ҳам бор. Айримлар шунчалик кўп, хилма-хил нашрларни чоп этишнинг нима кераги бор, дейишади. Халқимизда ўнта бўлса ўрни бошқа, деган нақл бор. Ҳамма гап ўша нашрларнинг мазмун-мундарижасида, қай даражада муштарийлар кўнглига йўл топа олганида.

Демак, ҳадеб бозор иқтисодиётини олабўжи қилиб кўрсатавериш тўғри эмас. Матбуот нашрлари қанчалик қиммат бўлмасин, ўз мухлисларини топиб, маънавиятга хизмат қилаверади.

Хўш, республикамизда чиқадиган журналларда обуна қандай ўтмоқда?

Юртдошларимизнинг кўпчилиги «Шарқ юлдузи», «Звезда востока», «Саодат», «Фан ва турмуш», «Ёш куч», «Тафаккур», «Мулоқот», «Ғунча» ва янги «Жаҳон адабиёти» каби журналларга обуна бўлишяпти.

Биз обуна мавсуми Тошкент шаҳрида қандай кетаётганлиги билан танишиш мақсадида Сирғали туманлараро алоқа тармоғига бордик. У ерда юқоридаги савол билан шу алоқа тармоғи бошлиқ ўринбосари Лидия Павловна Тиллаевага мурожаат этдик. Лидия Павловна туманда обуна ишлари қизғин кетаётганлигини сўзлаб берди. Кўпчилик «Вечерный Ташкент», «Налоговые и таможенные вести», «Правда востока», «Постда», «Маърифат», «Учитель Узбекистана» каби газеталарга ва «Ғунча», «Солнышко» журналларига ёзилишган. Шунингдек, Россияда чоп этиладиган «Труд», «Аргументы и факты» газеталарига кўпчилик обуна бўлган.

## • Обуна — 99

# СИЗ ҚАЙСИ НАШРГА ЁЗИЛДИНГИЗ?

Республикамизда чиқадиган даврий нашрларни кўздан кечирсак, ҳозирча «Постда», «На посту», «Оила» ва жамият», «Халқ сўзи», каби газеталарнинг ўқувчилари кўп деб топилмоқда. Булар қаторига яна «Мулкдор», «Ўзбекистон овози», «Маърифат», «Адолат», «Ҳуррият», «Миллий тикланиш» газеталарини ҳам қўшиш мумкин. Хўш, нима сабабдан бу газеталарнинг ўқувчиси кўп деган савол билан жуда кўп кишиларга мурожаат этдик. Уларнинг кўпчилиги газета нархининг арзонлиги («Постда», «Оила ва жамият» «Халқ сўзи»), телевидение ҳафталик кўрсатувлар дастурининг чоп этилиши, «Мулкдор» каби газеталарда бошқотирмалар берилиши туфайли мазкур газеталарни маъқул кўришар экан. «Спорт», «Ўзбекистон футболи» ҳам ўз навбатида муштарийлари кўп бўлган газеталар ҳисобланади. Сабаби маълум — юртдошларимиз спортга қизиқишади. Айниқса футбол, бокс, тенниснинг ишқибозлари беҳисоб. Зиёлиларни кўпроқ «Халқ сўзи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Миллий тикланиш», «Ҳуррият» газеталари кўпроқ қизиқтирар экан. Шулардан «Миллий тикланиш», «Ҳуррият»ни ўқувчилар ҳаётий воқеалар яхши ёритилаётгани учун ёқтиришар экан.

— Илгари нашрлар йиллик мундарижасини бизга ёзиб беришарди, — дейди шу алоқа тармоғида ишловчи Дония Юсупова. — Биз қайси газета ёки журналга ёзилишни билмай боши қотган фуқароларга ўша мундарижани кўрсатиб, маслаҳат-ёрдам берардик. Ҳозир эса нашрлар бу нарсаларга эътибор қилишмаяпти. Ёлғиз «Шарқ юлдузи» журнали ушбу ишни амалга оширмоқда ва кўпчилик шу туфайли унга обуна бўляпти.

Ҳурматли муштарийлар! Сиз қайси матбуот нашрига ёзилдингиз? Тезроқ шошилинг, обуна тугашига оз фурсат қолди.

***Зоҳид ЁҚУБОВ***

## • Фахрийлар — фахримиз

# ҲАВАСГА АРЗИГУЛИК СУЛОЛА



Қашқадарё вилояти, Бешкент туманининг Нукробод қишлоғида туғилган Абдулло отанинг отаси Саид амир Олимхоннинг қандолатчиси, катта бобоси эса Қарши беклигида амирлик, бекликнинг нома-фармойишларини зарур жойларга етказиш хизматида бўлган экан. Абдулло Раҳматуллаев алоқа соҳасидаги фаолиятини 1948 йили Қарши темир йўли бўлимининг алоқа линиясида ишчиликдан бошлаган. Сўнгра Бешкентда алоқа мантўри, бўлим бошлиғи вазифасида ишлади. Туман электралоқа корхонасида 1990 йилгача бош муҳандис бўлиб хизмат қилди. Бешкент туманининг барча алоқачилари Абдулло отани ўз устози деб билади.

Фарзандлари Дилбархон, Зебохон, Асомиддин, Мунира, келини Саодатхонлар ҳам алоқа соҳасида меҳнат қилиб келишмоқда.

Бир вақтлар Бешкент туманида Абдулло ота иш бошлаганида бор-йўғи 100 рақамли АТС мавжуд бўлиб, унда беш-олти киши ишлар эди. Эндиликда Бешкентда электралоқа корхонаси учун уч қаватли бино қуриб берилган ҳамда аҳолига икки минг рақамли АТС, радиоузел хизмат қиляпти. Бу ишларда Абдулло отанинг муносиб ҳиссаси бор. Отахон меҳнаткашлиги боис бир қатор мукофотлар соҳиби бўлди. Биз пиру-бадавлат Абдулло отага узоқ умр тилаймиз.

***Эшқобил АБДУРАҲМОНОВ, Қашқадарё вилояти***

# ТАБРИКЛАЙМИЗ!

***Ҳурматли Боймурот Тўлеевич ТЎЛЕЕВ!***

*Сизни 63 ёшга тўлганингиз муносабати билан чин дилдан табриклаймиз. Сизга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.*

***Шогирдларингиз***

* * *

*Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази бошлиғи **Рихси ИСАЕВ!** Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, алоқа соҳасидаги ишларингизда каттадан-катта муваффақиятлар тилаймиз.*

***Корхона жамоаси***

* * *

*«Сурхондарё почтаси» Термиз шаҳар почта алоқа филиали жамоаси марказий алоқа бўлими бошлиғи **Ольга Константиновна СЛАНКОВАни** туғилган куни билан чин дилдан табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, алоқа соҳасидаги ишларида муваффақиятлар тилайди.*

Абу Исо ат-ТЕРМИЗИЙ

# ҲАДИСЛАР

Пайғамбаримиз алайҳиссалом деганлар: кимки кичикларимизга раҳм қилмай, катталаримиз шарафини, ҳурматини билмаса у бизнинг қавмимиздан эмас.

* * *

Пайғамбар алайҳиссалом деганлар: ўз дўсти наздида яхши бўлган киши Оллоҳ наздида энг яхшилардандир. Ўз қўшнисига яқин бўлган одам Оллоҳга яқин қўшни ҳисобланади.

* * *

Ҳаёлик бўлиш иймондандир — иймонли киши жаннатидир. Беҳаёлик жафоликдан бўлиб, жафо эса жаҳаннамдир.

* * *

Одамларга раҳм-шафқат қилмаганларга Оллоҳ ҳам раҳм-шафқат қилмайди.

* * *

Пайғамбар алайҳиссалом деганлар: отанг рози худо рози, отанг дарғазаб бўлса, худо дарғазаб бўлгани.

* * *

Пайағамбар алайҳиссалом деганлар: хулқи-атвори гўзал инсонлар иймонда энг комил мўминлардир. Сизларнинг ичингизда энг яхшингиз ўз аҳли-аёлига ҳусну муомалада бўлганларингиздир.

* * *

Оиша онадан: Пайағамбар алайҳиссалом ҳадя қабул қилардилар-у шундан ортиқ даражада уни хайру эҳсон билан қайтарардилар.

* * *

Инсонларга шукр айтмаган киши Оллоҳга ҳам шукрона келтирмаган бўлади.

* * *

Агар бирортангизда ортиқча ер бўлса ўз биродарингизга ҳадя қилинг ёки ерга зироат экинг.

# ҒАРОЙИБ МУСОБАҚА

*(Ҳажвия)*

Диққат, диққат! Материаллар қаршилиги кафедрасидан бериладиган репортажимизни бошлаймиз. Бу ерда бугун катта спорт байрами! Яна роппа-роса беш дақиқадан кейин «Стипендия кубоги» учун финал ўйини бошланади. Эскидан яхши таниш ва бир-бирига муносиб рақиблар: «Профессионал-профессорлар» ва «Талаба-ҳаваскорлар» ўзаро куч синашади.

Ҳали ўйин бошлангани йўқ, командалар ўзларича машқ қилишмоқда. Мана, профессор билетларни териб қўйди, талабалар эса дарсликларни қулайроқ жойлаштириш пайида. Демак, ҳамма нарса тайёр! Ўйин бошланди! Ана, бирданиға олти талаба профессор томон интилмоқда. Улар тезлик билан билетларни олишади ва шу заҳотиёқ алмаштириб улгуришади.

Эҳ, аттанг! Ким бўлдийкан, бу биринчи номердаги...

Бозорбоев? Ҳа, Бозорбоев қўлга тушди. Профессор унга эшикни кўрсатди. Биру ноль! Қолган беш талаба орқага қайтишади ва тайёргарлик кўриш учун столга ўтиришади. Худди шу пайт талабалар томон жарима белгиланди. Профессор энг чеккадаги талаба Қурбоновдан бошқа ёққа ўтиришни талаб қилади. Қурбонов эса ўзи учун қийин бир шароитда ўртоқларини ташлаб кетишга кўзи қиймай, стол қиррасига маҳкам ёпишиб олади. Қурбонов кутилмаганда дарсликни ерга тушириб юборади. Икки-ю ноль!

Орадаги бу фурсатдан фойдаланган Маҳмудов ўйинда бурилиш қилмоқчи бўлади. У ниҳоятда эпчиллик билан шпаргалкаларни ишга солади. Маҳмудов тезликни ошира боради. Мана у биринчи саволга жавобни кўчириб олади, кейин иккинчисига! Учинчисига! Ниҳоят, профессор билан яккама-якка чиқади... Уч балл! Умумий ҳисоб икки-ю бир, ҳозирча «Профессионал-профессорлар» олдинда! «Талаба-ҳаваскорлар» сафида ўзгариш!

Кафедрада Рустамов ва Тоштемировлар ҳозир бўлишади. Тоштемировнинг ўйин услубида... Кечирасиз! Ҳозир Рустамов ҳужумга ўтди. Деярли тайёргарликсиз, дадил... Профессор эшикка ишора қилади. Рустамов жойидан силжимайди. Профессор яна эшикни кўрсатади! Рустамов ҳамон ўз ўрнида мустаҳкам! Қойил!.. Э-э-э... Рустамов! Офарин, Рустамов! Профессор уни эшикдан туртиб чиқаришга ҳаракат қилади. Рустамов эса юксак ўйин техникасини намойиш этиб, чаққонлик билан ўзини четга олади, сўнгра шиддат билан тезликни ошириб, ўзи ҳужумга ўтади, ёнидан аллақандай қоғоз чиқариб кўрсатади, йиғлайди, рақибни чалғитиш учун сохта ҳаракат қилиб, кўкрагига муштлайди. Ниҳоят, оғзини очиб, «а-а-а»... дейди... Хайрият! Уч балл! Қойил, Рустамов! Ҳисоб икки-ю-икки!

Дарвоқе, Тоштемировнинг ўйин услубида... Кечирасиз, кафедрада қандайдир ўзгариш содир бўлди. Профессорнинг ёнига команда фахрийларидан бири Мавлонов ўтиради. Худди шу пайт хонага ёшгина Қобилжонов кириб келади. Қобилжонов қобилиятли спортчи, лекин баъзан ўйинга бир ўзи берилиб кетиб, шерикларини унутиб қўяди. Мана ҳозир ҳам кўряпсиз, у билет олиб, Мавлоновдан олдин жавоб бера бошлайди. Беш балл!!!

Мавлонов эса, кўриниб турибди, Қобилжоновнинг қилмишидан ўзини йўқотгани йўқ. У бугун ажойиб спорт формасида. Чўнтакларида бир даста шпарбалка дўппайиб турибди... Тезроқ уларни бир ёқли қилиш керак... Худди шундай... Қойил. Мавлонов юра бошлайди. Тўрту-икки! Йўқ, учу-уч шекилли. Кечирасиз, мен ҳозир нима бўлганини аниқлашга ҳаракат қиламан.

Афсус! Маълум бўлишича, Мавлонов эпчиллик билан кўчиргану, аммо бошқа нарсани кўчириб қўйган. Демак учу-уч. Бу ҳисоб анча салмоқли, лекин менинг назаримда бу қатъий натижа эмас ва сизлар билан, қадрли дўстлар, ҳали кўпгина ҳаяжонли дамларнинг гувоҳи бўламиз.

Демак, шундай қилиб, ҳалиги чала қолган гапимизнинг давоми: Тоштемировнинг ўйин услубида... Кечирасиз, кафедрада Режавалиев билан Мамадалиев! Ҳар иккиси институт терма жамоасига номзод.

Режавалиевда ғалаба учун ҳамма имкониятлар бор ва мана у ўз билети билан келяпти. Бу унинг эски, яхши кўрган услуби. Мамадалиев эса бошқача тактика тарафдори. Мана у чап қатордаги биринчи партада ўтирибди, ҳозир эса ўртадаги бешинчи партада, энди эса ўнг томондаги учинчи партада ва ниҳоят ўйиндан ташқари ҳолат-яъни ташқарида!

Режавалиев эса тайёр! Қаранг, унинг ҳаракатларида қанчалик нафосат, ишонч бор. Ахир у бекорга «Чиройли ўйини учун» деган махсус совринга сазовор бўлмаган. У команданинг юзини ерга қаратмайди, билетда нима талаб қилинса, шуни кўчиради. Профессор унинг ёзганларини кўздан кечираркан, маъқуллагандай бош ирғайди ва... эшикка ишора қилади! Нима гап ўзи? Режавалиевнинг нотўғри кўчириши мумкин эмас. Мана менинг ёнимга шарҳловчи чопиб келди. Ҳаммаси ўз жойида. Режавалиев тўғри кўчирибди. Фақат у «Материаллар қаршилиги» билан «Механика назарияси»ни чалкаштириб юборган. Ҳисоб «Профессионал-профессорлар» фойдасига тўрту-уч!

Демак, Тоштемировнинг... Кечирасиз, Мамадалиев яна кафедрада пайдо бўлади. Мана у ҳозир ўнг қатордаги учинчи партада, чап томондаги бирр... профессорга ҳужум қилади! Беш балл!!! Ура-а! Ҳисоб тенглашади: тўрту-тўрт! Қойил Мамадалиев!

Демак, Тоштемировнинг... Дарвоқе, қани Тоштемировнинг ўзи? Ҳа, Тоштемиров билетини топшириб, келгуси сессиясигача дам оладиган бўлибди. Келинг дўстлар, биз ҳам сизлар билан иккинчи тайм бошлангунча бироз дам олайлик.

**Ш. ЭРГАШ ўғли**



*Бугун бош устингда яшнаган япроқ,*
*Шовуллаб тўкилар эрта пойингга.*

*Бу учқур йўловчи солмайди қулоқ,*
*Сенинг илтимосинг, сенинг раъйингга.*

## ЯНГИ ЛАТИФАЛАР

— Судланувчи, уйингизга бемаҳалда кирган ўғрининг бошига ўқлов билан бир уриб ўлдириб қўйганингизга иқрормисиз?

— Иқрорман.

— Ўғрини қўрқитиб қўйсангиз ҳам бўларди, шунчалик шафқатсизмисиз?

— Кечирасиз, мен уни... эрим деб ўйлабман...

* * *

— Дўхтир айтдики, менда тоғ чанғиси спорти билан шуғулланиш учун туғма қобилият бор экан.

— Бу нимада кўринади?

— Суякларим тез битаркан.

* * *

Бобо ёш набирасига насиҳат қиларди:

— Бизнинг давримизда қизлар уятдан қизаришни ҳам билишарди.

— Уларга нималар деганингизни тасаввур қиламан.

* * *

Янги ўрис жон бераётганди. Унинг бошида яқин қариндошлари, дўстлари, бизнесдаги ҳамкорлари тўпланишади. Алаҳсираётган бемор ўзича сўкинарди:

— Аблаҳлар, ўғрилар, қотиллар...

— Ҳали умид бор, — деди дўхтир. — Ўз яқинларини ҳозирча танияпти.

* * *

— Таътилни қандай ўтказдинг?

— Биринчи ярмида тоғларда бўлдим.

— О зўр-ку! Қолган ярмида-чи?

— Гипсда ўтказдим.

## ХОТИРАНГИЗ КУЧЛИМИ?

Баъзи одамлар жуда мукаммал хотирага эга бўладилар. Мисол учун Элия Гаон деган киши 2500 жилд асарни ёддан билган ва хоҳлаган пайтда хоҳлаган сатрини айтиб бера олган. Шунга ўхшаш Эрон шоҳи Кир ҳам ўзининг 30 минг аскарларини номма-ном билган, дейишади.

Кўпинча биз ўзимиз хотирамизни ёмонлаштирамиз. Айтайлик, бир кунлик чекиш ўқиш қобилиятимизни 4,4 фоизга, кузатувчанлигимизни 7 фоизга, ҳаракат қобилиятимизни 1 фоизга ва ёдда қолдириш, яъни хотирамизни 5,5 фоизга пасайтирар экан.

Инсон хотирасининг асосий кушандаси уни фаол ишлатмаслик, яъни ақлий дангасалик дейишади руҳшунослар.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги
●
Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
●
Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №00011. Буюртма № Г-0526. 8245 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти— 21.00

12345 ,

